

Коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашнинг аҳамияти



Бугун Термиз туман ҳокимлигида туман истеъмолчилари томонидан ичимлик суви, электр энергияси, маиший чиқинди, солиқ тўловларидаги мавжуд коммунал қарздорликларни ўз вақтида ундиришга бағишланган муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда аҳолининг мавжуд қарздорликларини ундириш бўйича ишларни уюшқоқлик билан олиб бориш, кунлик тўловлар ва бажарилган ишлар бўйича ҳудудларда таҳлил ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, мутасаддилар томонидан аҳоли томонидан истеъмол қилинган газ, электр энергия, сув таъминоти, солиқ тўловлари, маиший чиқинди ва бошқа коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш бўйича кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлиги таъкидланди.